

КИШЛОҚ ХАЖИКАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади Душанбадан ташқари ҳар кун чиқади

1990 ЙИЛ 9 ДЕКАБРЬ.
ЯҚШАНБА
№ 281 (5.074).

БАҲОСИ 3 ТИЙИН.

Кеча Ўзбекистон

Коммунистик

партияси XXII

съездининг иккинчи

босқичи ўз ишину

яқулади

**ССЖИ Президентининг
мамлакат энергетиклари
билан учрашуви**

7 декабрь кун ССЖИ Президентини М. С. Горбачевнинг энергетиклар меҳнат жамоалари вакиллари, шу жумладан, тармоқ ходимларининг келаси ҳафтада очилган Бутуниттифок съезд делегатлари, ССЖИ Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда ССЖИ Атом энергетикаси ва саноат вазирлигининг мутахассислари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашува мамлакат энергетикасининг ривожлантириш, унинг эҳтиёжлари ва ўзига хос хусусиятлари, халқ ҳўжалигини ва аҳолини энергия билан таъминлаш пухталигини оширишга доир принципиал муаммолар муҳокама қилинди.

Учрашувада ССЖИ Олий Кенгашининг аъзолари, халқ депутатлари, ССЖИ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Л. Д. Рябев, вазирлар ва идораларнинг раҳбарлари О. Г. Анфимов, В. М. Величко, Ю. К. Семенов, М. И. Шчадов, В. И. Шербаков иштирок этдилар.

Икки миллиондан кўпроқ кишидан иборат совет энергетика жамоасининг иши ва турмуши билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама ва рўй-роқтирлаб олиниди. Машинлар, смелалар ва участкаларнинг бошқилари, искилик, атом ва гидроэлектр станцияларининг ҳамда қурилиш ташкилотларининг инженерлари ва раҳбарлари, иқтисодчилар, мамлакатининг турли минтақаларидаги касба уюшмалари ходимлари сўзга чиқдилар.

Тармоқнинг аҳолидан, сўнгги йилларда техник та-

рақриёт ва энергия ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши суръатларининг хатарли даражада сусайишдан, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, мутахассисларни етарли даражада сақлаб туришда вуджуд келаётган мураккабликлардан ташвишланиш нутқлардаги етакчи мавзу бўлди. Бу кўп жиҳатдан давлат, ҳукумат ва маҳаллий идораларнинг маъмур бозор тармоғига эътибори сусайиш натижаси эканлиги таъкидланди.

Учрашуви иштирокчилари энергетиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш шартиндаги ўсиш, алоҳида ўрин тўғрисида, мамлакатнинг ягона энергетика системасини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш зарурати ҳақида гапирдилар. Тармоқ ишини барқарорлаштиришга, унинг халқ ҳўжалигини таъминлашдан чиқариш билан боғлиқ масъулиятли вазифаларни ҳал этишни муваффақиятли таъминлашга қаратилган кўплаб аниқ равшан тақлифлар билдирилди. ССЖИ янги энергетика дастури ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини тезлаштириш, энергетика тўғрисидаги ССЖИ Қўмитасини қабул қилиш, бу соҳа ходимлари иқтисодий ҳимояланишини, энергетика объектлари ишининг пухталигини кучайтириш билан боғлиқ бир қанча муаммоларни ҳал этиш биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган тадбирлардан деб ҳисобланди.

М. С. Горбачев йиғилганлар ҳузурида учрашува якуллари юзасидан нутқ сўзлади.

(ТАСС).

**Ўзбекистон Совет Социалистик
Жумҳурияси Президентининг
ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ
КОМПЛЕКСИ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Деҳқончилик-саноат комплексиди давлат ва ҳўжалик бошқаруви вазифаларини фарқлаб қўйишга оид аниқ тадбирларни амалга ошириш, жамоа ҳўжаликлари, давлат ҳўжаликлари ва бошқа кишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини ривожлантириш, бозор муносабатларини жорий этиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида қарор қиламан:

1. Ўзбекистон ССЖ Кишлоқ ҳўжалиги давлат-кооператив қўмитасини Ўзбекистон ССЖ Кишлоқ ҳўжалиги жумҳурият вазирлигига — Ўзбекистон ССЖ Кишлоқ ҳўжалиги вазирлигига айлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон ССЖ Кишлоқ ҳўжалиги давлат-кооператив қўмитаси кенгаши ва ҳайъатининг тақлифлари қабул қилинсин.
2. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ И. Х. Жўрабековга янги бўлиналари ташкил этиш ва илгари Ўзбекистон ССЖ Кишлоқ ҳўжалиги давлат-кооператив қўмитасига кирган бошқа тармоқ бўлиналари ушартириш тўғрисида тақлиф киритиш вазифаси тоширилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг
Президенти
ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
1990 йил, 8 декабрь.

И. КАРИМОВ.

**Ўзбекистон Совет Социалистик
Жумҳурияси Президентининг
ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ РЕЖАЛАШ
ҚЎМИТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИҚТИСОДИЁТ
ҚЎМИТАСИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССЖ Мустақиллиги тўғрисида эълон қилинган Декларация асосида давлат иқтисодий-иқтисодий ва илмий-техникавий сисбатини шакллантириш, жамоат ишлаб чиқаришини ўстириш ресурслари ва манбаларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли фаровонлигини яхшилаш йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кўрсатма асосидаги режалаштиришдан алоҳида иқтисодий ривожлантириш бошқарувининг иқтисодий шаклларида натижа ўлишини таъминлаш мақсадида ҳамда бошқарилган бозор иқтисодиётига ўтиш шартинда амонатли бошқарув ва ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этишнинг ўсиб бораётган аҳамиятини эътиборга олиб:

1. Ўзбекистон ССЖ Давлат режалаш қўмитаси негизда Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси ташкил этилсин.
2. Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси зиммасига:
 - Жумҳуриятнинг табиий ва меҳнат ресурсларини, илмий-техникавий ҳамда ишлаб чиқариш имкониятини ҳисобга олиб, уш иқтисодий ва иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган тахминларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий кўрсаткичларини белгиллаш;
 - Жумҳуриятнинг бозор муносабатларига ўтиш сисбатини шакллантириш ва унинг дастурлари рўйга чиқарилишини назорат қилиш;
 - Асосий халқ ҳўжалик, табиий-моддий, молиявий ва бошқа балансларини тузиш, катта ҳўжалик, иқтисодий ва илмий-техникавий муаммоларни ҳал этишга оид умумжумҳурият дастурларини тайёрлаш;
 - Бошқа жумҳуриятлар ва минтақалар билан ўзаро самарали ишлаб чиқариш-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш;
 - Ҳўжалик механизмининг, халқ ҳўжалигини ривожлантириш жараёнида иқтисодий таъсир воситалари ва усулларини такомиллаштириш вазифалари юклатилсин.
3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, умумий иқтисодий комплекс раҳбари ўртоқ В. С. Хамидов бир ой муддат ичда Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитасини юқори маънада кадрлар билан бўғласин ва унинг самарали ишлашини таъминласин; Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси қарамонидидаги таъкилотларни ҳисобга олиб, унинг тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уш Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун тақдим этсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг
Президенти
ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
1990 йил, 8 декабрь.

И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи тўғрисида АХБОРОТ

8 декабрь кун Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи ўз ишину давом эттирди.

Мажлисида съездининг тайёргарлик комиссиялари номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиблари А. Н. Иброилов ва Р. А. Попов ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари ҳусусида тушган мулоҳаза ва тақлифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ахборот бердилар.

Тузатишлар, қўшимчалар ва ўзгартишлар муҳокама

қилинганидан кейин съезд Ўзбекистон Коммунистик партиясининг «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгилашни, иқтисодий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» Ҳаракат дастурини қабул қилди, шунингдек Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Уставини тасдиқлайди. Съезд Устав жумҳурият партия матбуоти саҳифаларида эълон қилинганидан кейин кучга кирган деб ҳисоблансин, деган қарорин қабул этди.

Съездеда КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмита-

сининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти Н. А. Каримов лўнловчи нутқ сўзлади ва тушган саволларга жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

Съезд ишида КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қўмитасининг котиби Г. И. Янаев, КПСС Марказий Қўмитаси Котибиятининг аъзоси Г. Тургунова, КПСС Марказий Қўмитаси Ташкилий бўлими секторининг мудирини Н. И. Семенов қатнашдилар.



Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичининг иш жараёни.



Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи

ЖУМҲУРИЯТДАГИ ИҚТИМОЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИ ТАШКИЛИЙ-СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ (ИККИНЧИ БОСҚИЧ)ГА МАЪРУЗАСИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ
ҚЎМИТАСИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ

С. М. МАМАРАСУЛОВ нутқидан

Жамиятни инкироздан халос қилиш учун, КПССнинг мавқеи ва обрў-эътиборини ошириш учун нима қилмоқ керак? Биз Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини, Уставини қабул қилар эканмиз, мана шу асосий саволларга бугун жавоб қайтаришимиз керак.

Бу ҳўжжатлар бизнинг истиқболдаги ишларимизни белгиллаб беради, аммо ўтмишга тўғри баҳо бериш ҳам партиянинг обрў-эътибори учун муҳимдир. Бунда мен «пахта ишлари» деб аталган машамани назарда тутяман. Марказининг сукунатли маъқулланиш билан масъулиятсиз сиёсий лўттибозлар бу ишларни ҳаммаиз учун ҳазоратомуз «ўзбеклар иши» деб атадилар. Ўзбекистонда илаб турган барча халқлар бошига беҳуда ёғдирилган маломат тошлари ва разил сўзлар учун ким жавоб беради? Агар бирон-бир кимса жиноят қилган бўлса, бунинг учун қонун олдида тўла-тўқис жавоб бераверсин.

Ҳозир мамлакат пешволари шаҳе ҳўқуқларини, инсон ҳўқуқларини ҳимоя қилиш ўзларининг бую мақсади деб эълон қилдилар. Бу — жуда яхши. Шунга бинаоан улар ўн минглаб кишиларнинг ҳўқуқлари қўпол бузилганлиги учун халқ олдига кечирим сўрашлари керак. Биз ўз съезидида шу масала юзасидан махус қарор қабул қилишимиз лозим.

Партиянинг мавқеи ҳақида гапирганда, унинг кадрлар сисбатига, иқтисодиётга, иқтисодий муаммоларга муносабатлари тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Пар-

этиш намунасини кўрсатаётганини татқиқлаб ўтиш зарур. Унинг ташаббуси билан қўлгина яхши ишлар бошланди ва бу нарса Ўзбекистон Компартиясининг мавқеи ҳақида обрў-эътибори ўсишига шак-шубҳасиз қўмаклашмоқда.

Биз вилоятдан келган делегатлар кенгашида масала ҳақидаги олғач жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги мураккаб босқичида Ўзбекистон Президентини ва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларини бир-биридан ажраттиш тўғрисидаги масалани кўтариш керак эмас, деган хулосага келдик. Бу лавозимларнинг бирга қўйилиши барқарорлигини сақлаб қолишга ёрдам беради ва қабул этилаётган барча қарорларнинг ижросини маждаллаштирилади, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котибига амалий ёрдам бериш учун биринчи котибининг ўринбосари лавозимини Уставга киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мумкин бўлур эди.

Шу билан бирга Марказий Комитетимизга баъзи мураккаб масалаларни ҳал этишда кўпроқ кенгашиб иш тутиш, кенг фаоллар билан масала ҳақидаги туриш истагини билдирмоқчимиз.

Марказий Комитет котибларига ва аъзоларига жойларга тез-тез бориб турсинлар, деган истакни ҳам билдирмоқчимиз. Марказий Комитетнинг биринчи котиби ўртоқ Каримовга ҳам шу гап тааллуқли. Унинг иш билан жуда бандлигини тушунамиз, бироқ, қандай бўлмасин, бошлангич партия ташкилотларининг одамлар билан учрашиб туриш лозим.

Бунинг устига, ҳозир улардан кўпчилиги ўз ҳаракатларида тўғри йўлни топа ол-

май қолмоқда: мустақиллигини олишди-ю, ундан қандай фойдаланишни билишмаяпти. Айрим жойларда партия йиғилишлари ўтказилмай қўйилди, меҳнат жамоаларининг турмушида партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти пасайиб кетди. Натижада партиядан чиқиш ҳоллари кўпаймоқда, бу масала Марказий Комитет Бюросининг мажлисида жиддий муҳокама қилинди. Биз бу ҳодисани камайтириш учун бир қанча чора-тадбирларни кўрдик. Партия ташкилотларида коллектив бўлиб боришнинг одат тусига киритдик, обком, унинг бюроси аъзоларини шу ташкилотларга бириктириб қўйдик, бошлангич партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга бағишланган пленум, бошлангич партия ташкилотлари котибларининг семинарларини ўтказишга ҳозирлик кўр-япмиз.

Муҳтарам олимларимиз, ёзувчиларимиз, журналистаримиз «байналмилалчилик», «халқлар дўстлиги» сўзларини тилга олмай қўйганликларини турмушда кўпни кўрган мен каён коммунистга жуда оғир ботмоқда. Хўш, улар оддий кишилар номидан гапирмади дегиларми, аммо ўша кишилардан, бошқа миллиатга мансуб қўшининг сента нима ёмонлик қилмапти, деб сўраганларми?

Биз қўлимиздаги жумҳуриятимиз бутун аҳолисининг тинчлиги ва оқилолигини сақлаб қолганимиздагина барча иқтисодий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишимиз, Ўзбекистоннинг инкироз ҳолатидан чиқариб оламиз.

Марказий Комитетнинг мафруравий комиссияси байналмилал тарбиянинг пухта ўйланган, мукамал дастурини ишлаб чиқиш билан тез-

роқ шуғулланиши, жумҳуриятнинг партия комитетлари ва ташкилотларини шу дастур билан қуроллантириш лозим.

Нутқимда айтмоқчи бўлган охирги масала. Қўлдан қўйиш мумкин, бироқ уларни иккиро этишда қатъий, ҳўжумкорлик ҳаракатлари бўлма, улар қорозда қолиб кетаверилади. Мамлакат ва партиянинг сиёсий раҳбарияти узлуксиз мурасалар, тўғла-ламалар сисбатини ўтказиб келмоқда, бу эса жамиятимиз инкироз чуқурлашиб бораётганининг сабабларидан биридир. КПСС Марказий Комитетининг бўлғуси Пленумида партия раҳбариятидан ҳаракатлар ва ишларда қатъий ва принципиаллигини кучайтиришни қатъий талаб қилиш, партияни ўринсиз ҳўжумлардан ҳимоя қилиш, унинг шон-шарафи ва қадр-қиммати ҳимоя қилиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўриш вазифасини унинг зиммасига юклаш зарур.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МССЖ «МАДАНИЯТ» ДАВЛАТ
ХЎЖАЛИГИНИНГ ИЖАРАЧИСИ

3. ПИРНАЗАРОВ нутқидан

Съездининг биринчи босқичидан кейин орадан ярим йил вақт ўтди. Шолкорлик давлат ҳўжалигининг оддий меҳнатчиси, қоракалпоқ халқининг вақили сифатида мен учун шу вақт чуқур фикр-ўйлар даври бўлди, партиямиз, давлатимиз ривожланиши қандай бораётганини идрок этишга иштирдим.

Мен КПСС XXVIII съезди ишида қатнашдим, унинг Марказий Комитети аъзолари келди, уларнинг қўли билан келди, уларнинг ижросини ҳеч ким назорат қилмаяпти, Янги Иттифок Шарт-

(Давоми иккинчи бетда).

(Давомн келгуси сонларда)



БИР ПИЙЛА ЧАЙ

Дам олиш саҳифаси

МУҲАНДИСНИНГ ИЛҲОМ ПАРИСИ

Туребой Алиев урушдан кейинги Биринчи май байрамини кунда Наманган вилоятидаги Норин районининг Қизилтов қишлоғида туғилди. Урта мактабни тугатиб, 1963 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари олий билимгоҳининг Андижон бўлимига ўқишга кирди. Кейинчалик у мустақил бўлди ва Туребой 1968 йили Андижон пахтачилик институтининг қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш факультетини битирди.

Шундан сўнг у Норин ва Учқўрғон районидagi ҳўжаликларда устасхона мудир, бош муҳандис бўлиб ишлади. Айни вақтда Норин районидagi Энгельс номида жамоа ҳўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича инженер.

Муҳандиснинг илҳом парисида дала меҳнатқўшларининг кайфияти, табиат мусофоллиги, афоддор ёр садоқати қанот бағишлайди. У бўш вақтларини шеърларга бағишлаш билан бахтиёрдир.

ШУДРИНГ

Дур— гавҳардир борлиги,
Шафқатлиқдан нисона,
Қўрғон қўш тиги,
Томчилар дона-дона...
Табиатни тозалар,
Яшилликда шодаси.
Гўзаллиқни эртар,
Нафислик ифодаси.
Узарди уларлар,
Бегутор, шафқат бўлса,
Одамда борлиқ диллар,
Шудрингдай соф бўлса!

КАМАЛАК

Ёмғир ҳосиласи —
турфа ранг олам
Заминга лаб бериб,
қўниб туради.
Латофат барқ урган гўзал
Бир санам
Мангу муҳаббатдан ҳаёл
суради...
Етти қават осмон иккисин
унда,
Етти хил рақсий раиғ —
эгилган камон.


Гўёки янги ой, қўнмоқ

Заминга юз боқиб қўнмади,
Ҳасад-ла термулар юшур
қўнмоқлар
Буюқ гўзаллиқнинг бўлиб
мафтун.
Камалан рангига ётар
армонлар,
Бошларан шафқатсиз
ҳўжроннинг кун...
Қалбларга нур бериб,
сўнар камалар,
Юраклар турдида қолар
жолоси.
Изоҳри дилларга айсолдан
дарак,
Ендириб юрганда севги
балоси!

ЭЗГУЛИК

Муҳтожга парча нон
беролсанг,
Беморга қатра қон
беролсанг,
Остонанг ҳатласа
нисонлар,
Йўқласа топ-тоза
виждонлар,

БОШҚОТИРМА



Диагональ бўйича ўнгга: 1. Танаси улкан умрибонқий Африка дарахти. 2. Усимлик олами мажмун. 3. Қўш боқилардан қишлоқ. 4. Барги оқиб ёввойи гўш. 14. Палан отиб ўсадиган экин майдони. 15. Чўл ўсимлиги. 17. Зараркунада ўсимлик. 20. Ползи экин. 21. Зиравор ўсимлик. 22. Хўшбўй кўчат. Диагональ бўйича чапга: 2. Игнабарли домио ишил дарахт. 4. Хўл мевадан тайёрланган ичкилик. 8. Янрик барли шифобохш ўт ўсимлиги. 18. Баҳор чечани. 23. Қора қайнарларга мансуб мевадан дарахт. 24. Рус ўсимлиқинишоно олим. Бўйига: 5. Галла ўсимлиги. 6. Меваси шифобохш дарахт. 9. Покизда етилган сабаваот. 10. Усимлиқини четиштириш йўли билан ҳосил қилинган нави. 12. Сузсар галла ўсимлигини еттиштирувчи деҳқон. 13. Энг кўп етилтирилган сабаваот. 16. Қуруқ мева. 19. Усимлиқини еттиштириш. Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

Рўзноманимизда эълон қилинган бошқотирмалар муштариларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Улардан қўлпаб мактулар оламизда, бизга мурожаат қилганларнинг асарлари қизиқари бошқотирма муаллифларига миннатдорчиликларини изҳор эттишмоқда. Айни чоғда ўзлари ҳам масаллар тузишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, Жиззах вилояти Зарбдор районидagi 11-синф ўқувчиси Минназар Алиева кўйдаги мазмунда хат йўллабди: «Хўрматли рўзнома ижодкорлари! Мен авалларин бошқотирмаларга қизиқмасдим. Лекин «Қишлоқ ҳақиқатида тез-тез чиқиб туриши унга излосинини оширди. Эндиганда ўзим ҳам уни тузишга интилявман. Сизлардан илтимос: бундан кейин ҳам уларни эълон қилиб берсангиз. Кўйида 4 ноябрда чиққан бошқотирмага жавоб йўллабман».

4 ноябрда босилган бошқотирмага 50 га яқин хат олдик. Улар орасида пойтахт вилоятида яшовчи У. Ойнақулов, А. Абдурахмонов, Ш. Йўлдошев, тошкентлик опа-сингил М. ва Ч. Миркаримова, Д. Йўлдошев, Жиззахлик М. Тоирова, С. Ҳақимова, А. Қўлбеков, Э. Норкулов, қорақалпоғистонлик У. Адамбоева, О. Айтмбетова, Р. Отажонова, самарқандлик Ю. Қўлдошева, М. Худойбердиев, фарғоналик М. Турғунов, хорезмлик М. Туреова ва сурхондарёлик Ч. Менглибоев саваолларга тўғри жавоб йўллашган.

Бошқотирма жавоби:

1. Гая. 2. Яз. 3. Ак. 4. Лоф. 5. Фик. 6. Нон. 7. Нил. 8. Лар. 9. Рим. 10. Мов. 11. Шар. 12. Рус. 13. Сох. 14. Чой. 15. Яил. 16. Лир. 17. Рад. 18. Дуб. 19. Бах. 20. Хат. 21. Тиг. 22. Фоз. 23. Эм. 24. Чол. 25. Лят. 26. Топ. 27. Рам. 28. Тиг. 29. Таш. 30. Шим. 31. Мис. 32. Сим. 33. Мот. 34. Туг. 35. Тоқ. 36. Кор. 37. Рак. 38. Кўк. 39. Кю. 40. Ока. 41. Абу. 42. Уят. 43. Акт. 44. Кий. 45. Илм. 46. Икс. 47. Исм. 48. Аут. 49. Онт. 50. Ишк. 51. Асп. 52. АПК. 53. Илк. 54. Исо. 55. Ака. 56. Аму.

Пири бадавлат

БОЗОР БОБО

Каттақўрғон районидagi Пайшанба қўрғонига йўлнинг тўсасида, албатта бир асрлик умр йўлини орта қолдирган табаррук Бозор бобо ҳақида илқ гапларни эшитасиз. У киши билан суҳбатлашсангиз, кўпгина қизғон қалбларини гапириб беради. Йқинда биз ҳам бу қўнғон хонадонга таариф буюрдик. Бир гуруҳ асарларини келинларини ҳам келинларини экан. Отақон атрофида ҳамма парвона.

Бир пиёла чой устида гурунгимиз авжга чиқди. У киши инқилоб арафасидagi воқеалар, ниқот қўрғон-кечирганлари ҳақида сўзлаб берди.

— Бодалигимдан бойлар эшигиди хизмат қилиб, суягим қотган, — деди вазминлик билан Бозор бобо, — Узимизнинг Пайшанбада Раззоқбойвачанинг танобтаноб ери бор эди. Азодданшомга ишлардик, қўлимиздан залвардек кетмон тушмасди. Ёр агарини, жуяқ олиш, сўғориш, чопиқ қисқаси, тиним билмасдик. Очигини айтсам, қорин тўй-ғазини учутгани ишлардик. 1916 йили ўрис поштонинг фармони билан мардикорликка олиш бошланди. Ушанда нақирон ёшда эдим. Пешонага ёзилган экан. Сибир ўрмонларида дарахт кесиб, не-не азорларини чекамдик...

Хайриятки, ҳуррият бўлди. Мардикорлик заҳматини чекканлардан бири Бозор Эргашев ҳам инқилоб дара-

гини узоқ Сибир ўрмонларида эшитди. Она юрти — Каттақўрғонга эсон-омон қайтиб келган кўни ҳамма уни қўнғон билан қарши олди.

Бозор яна деҳқончилик ишларига шўнғиб кетди. Ямаоа ҳўжалиқлари тузила бошлаганда биринчилар қатори аъзо бўлди. Қолхоз душманларига қарши курашди. Остида от, елкасида бешотар билан «Пахтакор», Зеленский номи жамоа ҳўжалиқлари мулкни босмачилардан асраш ва мустақиллашда жонбозлик кўрсатди.

Улуғ Ватан уруши арафасида бир неча йил Каттақўрғон қишлоқ шўрсида расмлик қилди. Ёлга ғамхўр, иш юртидада табдиркор бўлиб, эътибор қозонди.

— Биргина ўғлим бор эди, — дея нурсизланган кўзларидан ёш думалади отахоннинг. — Гитлер босиб келганда эндигина ўн саккиз ёшга тўлувди Қаримбердийим. Икки қизим ҳам бор. Лекин ўғлимни талаб-талаб топан эдик. Ўз ишти-ёри билан жангга жунади. Шу-шу ундан дарах йўқ.

Фарзанд доғи Бозор ота белини бирмунча буюди. Аммо иродаси мустақам. Ўнгаранд укаси, ундан сўнг умр йўлдоши бевақт вафот этган кезларда ҳам ўзини бардам тутди, меҳнат билан овунди. Қарийб 30 йил Каттақўрғон районидagi сув ҳўжалиги шохобчалари-

Миллий анъаналаримиз

Бўлди қизиқ ҲАНГОМАЛАР...



Халқимиз маънавий мероси қадимий, кўпқиррали, сермизмун, битмас-туганмас бир олам. Табиийки, мазкур мероснинг салмоқли қисмини халқ оғзани ижодининг ўлмас турлари — аския, қизиқчилик ва масхарабозлик санъати ташкил этади. Кейинги йилларда миллий маданиятимизга эътиборнинг қуяйиши натижасида сўз санъати равнақ топиб, янги пиллапояларга кўтарилмоқда. Бу эса юзлаб қобилиятли ёшлар етишиб чиқишига замин яратмоқда.

Йқинда Мўқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театрида тошкентлик машҳур қизиқчи, ўзбекистон ССРида қизик кўрсатқан артист А. Раҳимжон Юсупов хотирасига бағишлаб ўтказилган аския қизиқчи ва масхарабозларнинг 7-жумҳурият кўрик-беллашуви бунга яна бир бор тасдиқланди. Уни халқ ижоди ва маданият-маърифий ишлар жумҳурият илмий услубият маркази «Мўш-тўш» таҳририяти ҳамда жумҳурият телевидениеси ва радиовиштитриш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Халқ ижодиёти Бутунитифоқ III фестивали доирасидаги бу кўрик-беллашувда ҳаваскор аскиячилар, яқна тартибда чиқувчи қизиқчилар ўзларининг ранг-баранг ҳақимундаги ҳангомалари билан тўпланганларга бир олам табассум ҳаёт этдилар.

Икки кун давом этган қўли баъзида жамиятимиз тарихининг ҳазирги босқичида ечимини қўтаётган маммуолар, турмушимизда учраб турадиган қўлпаб иллатлар ҳақининг ўқир тиги остида олинди. Алиясқа, Қўқон ва Хоразм вилоятлари ҳақимундаги маҳаллий иккиро услубидаги қизиқчилар беллашувага фазил киритди. Масхарабозлик жанри вақиллари ўртасидаги беллашувда хоразмликлар ғолиб чиқдилар. Ҳақамлар ҳаётга жумҳуриятимизда санъатнинг бу турини ривожлантиришдаги хизматлари учун мазкур жамоага биринчи, ўзининг алоҳида, янги қирра услубига эга бўлган Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри масхарабозларига иккинчи ўрнини бериш-

да самарали ишлади. Кекса мироби 1962 йилда пенсияга узатишди. Ушанда Бозор Эргашев 72 ёшда эди.

Бувимиз тўқсон ёшини орта қолдирган кезларини ҳам ғоят бардам эдилар. — дейди набиранлардан бири. «Қорақўлча» давлат ҳўжалиқининг бош муҳандиси Ҳақберди Раҳмонов. — Бундан 8—9 йил олдин дарахтга чиқиб, қўрғон шохларни кесатганлариди тасодифан оёқлари тоғиб, йқинлиб тушдилар. Шундан сўнг бир неча ой ўзларини ўнглай олмай юрдилар. Ҳозир яна тетик ва бардамлар.

— Умрим узун бўлсин, десангиз, меҳнатга меҳр қўйинг, овқатланиш ва уйқун меъеридан ошманг, — дейди бобо. — Дилингиз пок бўлсин, ғийбат тўхматдан йироқ юринг. Бировга ҳасад қилманг, дўст ортингиз, чекрангиз мудом очик бўлсин. Ҳимматли бўлсангиз, ҳўрмат топсангиз. Бошингизда тегиримон тошини юргизишча ҳам руҳан тушманг.

Тун оғушидagi Пайшанба қўрғон қўрғонлари бўйлаб борар эканмиз, шоир Муҳаммад Юсуфнинг қўйидаги сатрлари чарх урарди ҳаёлимизда:

Ҳар кимнинг оқ тушини, сочларига ҳақ тушини, Ажин тушини, юзларига доғ тушини. Ҳар кимнинг ҳам қўнват кетиб белидан, Қўлларига асо-бир тақ тушини. Имони соф, юзга кириб ёруғ юз, Тўйлар қўриб, елкасида тоғ тушини.

А. ҲОШИМОВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ПАРИЖ ОСТИДАН ЙЎЛ

Париж ҳокими Жан Ширак Франция пойтахти атрофидан ўтадиган янги ерости халқа йўлини қўриш лойиҳасига тайёргарликни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилди. У ҳозирги кунда автомобилларга тўлиб кетган йўлни янги йўлга бошидан охиригача ер остидан ўтати. Бу ишни яқин йилларда бошлаш мўлжалланмоқда. Унга тахминан 10 миллион франк кетади.

Мутахассислар тахмин қилишларига қар қўни янги йўлда бир ярм миллионга яқин автомобил ўтади. Бу эски қўлларга тушадиган юкин ўчидан бир даражада камайтириш имконини беради.

Шуниси эътиборга моликики, янги йўлда юриш пулли бўлади. Париж остидан ўтиб, кулур қилиш учун юра тўлаш керак.

ТУРТ ОЕКЛИ ХАЛОСКОР

Жанубий Африканинг Наталь вилоятидаги Ричмонд шаҳрида ишқомет этувчи эрхотин Аднескарлар ит инсоннинг содиқ дўсти эканлигига ўз тажрибаларида ғувоҳ бўлдилар.

Бир кун кечаси улар Генри Хичинс кесиб аёлнинг итнинг воқулашидан ўғирчилик кетишди. Эрхотин ўринлардан туршига упуғролмади қолдилар: тона эшиги олдида қўрқолли безори пайдо бўлди. Аммо уларнинг бахти келди: биринчи ўқ уларга теғмай ўтиб кетди. Аднескарлар омон қолдилар.

Иккинчи безори эса ўқ отишга упуғролмади, унга Генри Хичинс ташланди. Тўғри қақирлаган меҳмоннинг устига сакраб, уни оёғидан йқитди. Шунга қарамай икки бор ўқ отилди. Бир итнинг бошига, иккинчиси кўкрагига теғди. Тўрт оёқли халоскор шу орада жиноятчи илашиб олиб, қони очиб турганга қарамасдан уни 20 дақиқага яқин — радио орқали қақирлаган одамлар ёрдамга етиб келишмагунча қўниб юбормади.

Ит бу билан кифояланмади: безорини ушлаб, олиб кетганлардан кейин уйни бир бор айланиб чиқди ва эгаларига ҳеч қан тасдиқ солмаётганига ишонганидан кейингина тинчланди. У бир неча марта операция қилинган, соғайиб кетди. Аммо бироз оқсаб юрмоқда.

жиззахлик истейодли қизиқчи Турсунбой Худойеров ғолиб деб топилди. Фарғона водийси санъаткорлари иккиро услуби ва олиб чиқилган материалларининг сермизмунлиги билан алоҳида ажратиб туришди. Шунинг учун қўқонлик Сотволдиев ҳамда андижонлик Толибжонмага иккинчи ўрин берилди. Учинчи ўринга ҳам икки киши, яъни тожикча услубдаги қизиқчи билан барча қўлпаб иллатларининг оқшишга сазовор бўлган бухоролик Худойназар Аҳадов ва асакалик ёш қизиқчи Ёркин Долимов сазовор бўлишди.

Юқориди тилга олинган қамчиликлардан қатъий назар, кўрик халқ оғзани ижодини ўлмас ва қадимий жанрлардан бири бўлган сўз санъатини равнақ топтиришда муҳим тадбир қилинган.

Сўз санъатимизнинг асрлар давоминда авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга ўтиб, шаклланиб, мукаммаллашиб, мазмунан бойиб бизгача етди келатган турини ривожлантириш учун бу санъаткорларга эътибор қўйилтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

И. АБДУРАҲМОНОВ, халқ ижоди ва маданият-маърифий ишлар жумҳурият илмий услубият маркази ходими.